

ХК "PHARMED SAMARQAND" кейинги уринларда Сотувчи деб юритилади. Узининг низоми, асосида иш юритувчи директор Хайдаров С.У., номидан бир томондан ва 1-Клиника СамМН, кейинги уринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Узининг низоми, асосида иш юритувчи бошлиғи Абдуллаева Н.Н номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Сотувчи узига тегишли булган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тулаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси	ККС	Баҳоси ККС билан
1	Средство дезинфекционное Дезинфекцияловчи воситалар (Пергидроль) 33%	кг	250	22 000	5 500 000	825 000	6 325 000
<b>Жами:</b>					<b>5 500 000</b>	<b>825 000</b>	<b>6 325 000</b>

1.2. Сотувчи харид килинадиган товарларга керакли хужжатлар (гувоҳнома, сертификатлар, улгуржи савдолар учун руҳсатномалар ва шунга ухшаш бошқа тасдиқловчи хужжатлар) нусхаларини харидорга юборади.

**2. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ**

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси: 6325000 Олти миллион уч юз йигирма беш минг сум 00 тийин ни ташкил этади.
- 2.2. "Сотиб олувчи" мазкур шартномани газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ шартнома умумий суммасидан 30% миқдорда олдиндан тулаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 30 банк иш куни ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
- 2.3. Сотувчи аванс маблағлари Сотувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 7 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 2.4. Тулов шакли нақд пулсиз пул кучириш йули билан амалга оширилади.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
- 3.2. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига уз вақтида топшириш.
- 3.3. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 3.4. Сотувчи тушпама яроқсиз, сифати лозим даражада булмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиғи хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки лозим даражада булмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
- 3.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиғига мувофиқ товар (маҳсулот)га булган кафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.6. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
- 3.7. Кабул килиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши буйича кабул килиб олади.
- 3.8. Сифати лозим даражада булмаган товар келтирилганлиғи аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиғи хақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
- 3.9. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар хақини тулаш.

**4. ШАРТНОМАГА УЗГАРТИРИШ ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

- 4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қушимча ва узгартиришлари унинг ажралмас қисми булиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.2. Шартнома қонунчилик узгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки узгартирилиши мумкин.

**5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тулик қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тулик топширмаганлик учун Сотувчи хар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорда, тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % миқдорда жарима тўлайди.
- 5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави лозим даражада булмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширилганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорда жарима тўлайди.
- 5.4. Товар хақини уз вақтида ёки тулик туламаганлик учун Сотиб олувчи хар бир кечиктирилган кунига туланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортиқ булмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиғи лозим.
- 5.6. Не устойқани тулаш тарафларни шартнома буйича уз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 5.7. Назорат органи томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

**6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ**

- 6.1. Мазкур шартнома 13 Январ 2022 й. дан 31 Январ 2022 й. гача амал қилади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга булиб ҳисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.
  - томонларнинг келишувига мувофиқ;
  - Уз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
  - Форс-Мажор ҳолатларида

**7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ**

- 7.1. Тарафлар шартномада курсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Уз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида" ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар буладилар.
- 7.2. Тарафлар уртасида келиб чиқадиган низолар узаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Уз.Р. "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида" ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан ҳужалик суди тартибда хал қилинади
- 7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йули билан хал қилинади, келишиш имкони булмаганда Иқтисодий судида хал қилинади.

**8. ФОРС - МАЖОР**

- 8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб булмайдиган куч, яъни фавқулодда муайян шароитда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартибузарликлар ва бошқа табiiй офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиғи исботланса жавобгар булмайди.
- 8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси "Ҳужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисидаги" ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари буйича жавобгар булади.